



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 24 сентябрь, № 199 (9370)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АНДИЖОН: УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ВА САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь куни Андижон вилоятига келди.



Андижон халқаро аэропорти замонавий қиёфа касб этиб, унинг имкониятлари кенгаймоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга ташрифи мазкур объектда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошланди.

Давлатимиз раҳбари бундан уч йил аввал ҳудудга ташрифи чоғида аэропорти модернизация қилиш бўйича қатор топшириқлар берган эди. Ўтган йилги ташриф давомида ҳам реконструкция жараёнини шахсан қўздан кечирган.

Аэропорт 1978 йилда ишга туширилиб, 2013 йилда унга халқаро мақом берилган. Умумий майдони 243,4 гектар бўлган объектда 100 нафар ходим меҳнат қилади. Вақт ўтиши билан ҳаво бандаргоҳини замон талабларига мослаштириш, йўловчилар учун қулайликларни ошириш ва парвозлар географиясини кенгайтириш зарурати юзага келди.

Аэродром мажмуасини реконструкция қилиш лойиҳасининг умумий қиймати 1,1 триллион сўмни ташкил этади. Биринчи босқичда аэропорт инфратузилмаси тубдан янгиланди. Учаш-қўниш йўлагига 3,3 километрча узайтирилиб, кенлиги 60 метр бўлган янги “4Е” тоифали йўлак барпо этилди. Шунингдек, 10 та ҳаво кемасига мўлжалланган тўхташ жойлари ва руллаш йўлаклари қурилди.

Қурилиш сифати ва объектнинг узок муддат хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилди. Учаш-қўниш йўлагига 50 йилгача хизмат қилишга мўлжалланган мустаҳкам цемент-бетон қопламаси ётқизилди. Германиянинг юқори аниқликдаги ёритиш-сигнал тизими ўрнатилди. Бу аэропортга тунги вақтда ва қуёқ туман шароитида ҳам ҳаво кемаларини хавфсиз қабул қилиш имконини беради. Қўриш масофаси

300 метргача қисқарганда ҳам самолётлар қўна олади. Эндиликда аэропорт кенг фюзеляжли йирик ҳаво кемаларини ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиш имкониятига эга. Ҳозирда реконструкциянинг иккинчи босқичи давом этмоқда. Унинг доирасида умумий майдони 19 минг 685 квадрат метр бўлган икки қаватли замонавий терминал биноси барпо этилмоқда. Илгари аэропорт соатига 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатган бўлса, янги терминал ишга тушгач бу кўрсаткич беш баробар ошади. Аэропорт ҳудудида юқори тезликдаги Wi-Fi тармоғи ва “ақлли” хизматлар жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарига аэропортни ривожлантириш концепцияси тақдимот қилинди. Президентимиз замонавий терминал биносини белгиланган муддатда ва сифатли қуриб битказиш бўйича масъулларга топшириқлар берди.

Бугунги кунда Андижон халқаро аэропорти орқали маҳаллий ва халқаро йўналишларда етти та авиакомпаниянинг мунтазам қатновлари йўлга қўйилган. Келгусида йиллик авиарейслар сонини 808 тадан 2 минг 500 тагача ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш имкониятини йилгига 3,5 миллион нафарга етказиш режалаштирилган.

Амалга оширилаётган ишлар андижонликлар ва вилоят меҳмонлари учун транспорт қулайлигини ошириб, ҳудуднинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши таъкидланди. Аэропорт атрофида замонавий сервис объектларини ривожлантириш ва хизматлар сифатини ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Андижон туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Есо Cotton” корхонасига борди.

Лойиҳа давлатимиз раҳбарининг

2026 йил 29 июндаги пахта толасини чуқур қайта ишлашни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарори ижроси доирасида амалга оширилди. Корхонада маҳаллий хомашёдан экологик тоза, халқаро стандартларга мос тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланиб, ички ва ташқи бозорларга етказиб берилмоқда.

Лойиҳага тадбиркор томонидан 10 миллион доллар сармоя киритилиб, 1 мингта доимий иш ўрни яратилди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлаганда Давлат бюджетига йилгига 25 миллиард сўм тушум келтиради.

Бу ерда ишчи-ҳодимларнинг малакасини ошириш мақсадида дуал таълим тизими йўлга қўйилган. Ёшлар назарий билимларни ишлаб чиқариш амалиёти билан уйғун ҳолда ўзлаштирмоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёни замонавий стандартлар асосида ташкил этилган. Хитойнинг етакчи компанияларидан бирига тегишли сўнгги русумдаги автоматлаштирилган конвейер ускуналари ўрнатилган. Барча жараёнлар рақамли бошқарув тизими орқали назорат қилинади.

Экологик талабларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилар қайта ишланиб, уларнинг атроф-муҳитга зарарли таъсири камайитилди.

Муассасанинг технологик имкониятлари эътиборга молик. Бу ерда сунъий интеллект ёрдамида ишлайдиган тивув дастгоҳлари ўрнатилган. “Ақлли” тизим мато турига қараб тивув жараёнини реал вақт режимида автоматик созлайди ва чокларнинг юқори аниқликда ҳамда нуқсонсиз бажарилишини таъминлайди. Шунингдек, гуманоид роботлар синов тарихида ишлатилмоқда.

Корхона йилгига 30 турдаги 9,4 миллион дона юқори сифатли трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга.

Уларнинг умумий қиймати 135,3 миллиард сўмни ташкил этади. Рақобатбардош таннарх ва юқори сифат туфайли маҳсулотлар Туркия, Вьетнам, Хитой ва Хиндистоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан рақобатлаша олади.

Йиллик экспорт салоҳияти эса 10,5 миллион долларни ташкил этади. Андижонда тайёрланаётган сифатли трикотаж маҳсулотлари Россия, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон, Руминия ва Молдова бозорларига етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхона ишчилари билан самимий мулоқот қилди.

Шу ернинг ўзида вилоятда ёшлар билан ишлаш, уларни касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ва режалар тўғрисида ахборот берилди.

Кейин Президент Шавкат Мирзиёев Андижон туманида кичик гидроэлектр станциялари учун зарур ускуналар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 28 мартдаги ҳудудларда микрогидроэлектростанциялар тармоғини ривожлантиришга доир қарори бу борада муҳим асос бўлди. Унинг ижроси доирасида “Andjon Jinlup yangi energiya” корхонаси ташкил этилмоқда.

Тоғли ва сув ресурсларига бой Марказий Осиё давлатларида бундай ускуналарга талаб юқори. Бироқ шу пайтгача минтақада уларни саноат миқёсида ишлаб чиқарадиган иختисослаштирилган корхоналар етарли эмас эди. Янги лойиҳа ана шу эҳтиёжни қоплашга қаратилган.

Андижон вилоятидаги мавжуд сув манбалари “яшил” энергетикани ривожлантириш учун катта имконият яратади. Хусусан, Катта Фарғона каналининг барқарор сув оқими микро ва кичик ГЭСлар қуриш учун қулай ҳисобланади.

Тўлиқ хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 20 миллион долларни ташкил этади. Корхона 2027 йилда тўлиқ қувват билан ишга туширилади. Шундан сўнг бу ерда йилгига 70 миллиард сўмлик 100 та кичик ГЭС мажмуаси, шунингдек, микрогидроэнергетика ускуналари, дастгоҳ ва электр жиҳозлари ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда дунёда экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбаларига талаб ортиб бормоқда. Бу жиҳатдан кичик ва микроГЭСлар самарали ечимлардан бири ҳисобланади. Улар атроф-муҳитга таъсири камлиги, қисқа муддатда барпо этилиши ва барқарор электр энергияси ишлаб чиқариши билан аҳамиятлидир.

Лойиҳа доирасида 200 та иш ўрни яратилади. Маҳсулотларни Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилиш, йиллик экспорт ҳажминини 3 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Шунингдек, корхона Андижон вилоятида қатор микроГЭСлар қуришни мўлжаллаган. Бу аҳоли ва саноат корхоналарини арзон, экологик тоза ҳамда барқарор электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи доирасида

янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ва уларнинг қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди.

Сўнгги йилларда ҳудудда тадбиркорлик ва инвестициялар учун яратилаётган қулай шароитлар саноат тармоқларини ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маросимда умумий қиймати 9 миллиард 400 миллион доллар бўлган 206 та лойиҳа қамраб олинди. Шундан 2 миллиард 50 миллион долларлик 98 та лойиҳа ишга туширилди, 7 миллиард 350 миллион долларлик 108 та лойиҳанинг қурилиши бошланди.

Ушбу лойиҳалар энергетика, қурилиш, тўқимачилик, машинасозлик, таълим, туризм, логистика, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш каби муҳим соҳаларни қамраб олган. Улар вилоятнинг барча 16 та шахар ва туманида амалга оширилади.

Хусусан, пахта-тўқимачилик кластери, электр энергиясини сақлаш ва тақсимлаш тизими, мебелсозлик ва чарм-поябзал саноат зоналари, электробуслар, қуёш панеллари ва микрогидроэнергетика ускуналари ишлаб чиқариш, шунингдек, замонавий таълим ва тиббиёт марказлари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Янги лойиҳалар доирасида замонавий тураржой мажмуалари, халқаро логистика ва туризм марказлари, гидроэлектростанцияси, чиқиндиларни қайта ишлаш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш корхонаси, транспорт воситалари ва юк вагонлари ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш кўзда тутилган.

Лойиҳалар Хитой, Туркия, Жанубий Корея, АҚШ, Россия, Беларусь, Германия, Хиндистон, Бирлашган Араб Амириклари ва Тожикистон компаниялари ҳамда маҳаллий инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Уларнинг рўёбга чиқарилиши натижасида 45 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади, йилгига 60,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 533 миллион долларлик экспорт имконияти шаклланади.

Маросимда вилоятнинг барча шахар ва туманларидан масъуллар, хорижлик ҳамкорлар ва ташаббускорлар видеоалоқа орқали иштирок этди. Улар лойиҳаларнинг аҳамияти, амалга ошириш жараёни ва ишга тушириш муддатлари ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ташаббусларни амалга оширишда иштирок этаётган хорижлик ҳамкорлар ва маҳаллий тадбиркорларга миннатдорлик билдирди.

Президентимиз рамзий тугмани босиб, 98 та янги лойиҳани ишга туширди ва 108 та объект қурилишига старт берди. Шундан сўнг инвесторлар ва ҳудуд фаоллари билан мулоқот бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Андижон туманидаги “Ипак йўли” саноат зонаси ҳудудида жойлашган техникум фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда янги саноат корхоналарини ишга тушириш билан бир қаторда улар учун малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда. Бунда таълим жараёни

нини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш муҳим ўрин тутади.

“Андижон-Хуаня” халқаро техникуми ана шу мақсадда ташкил этилган. Техникум “Ипак йўли” ҳудудидаги тўқимачилик, машинасозлик, электротехника ва бошқа юқори технологияли корхоналар учун талаб юқори бўлган йўналишларда мутахассислар тайёрлайди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 15 миллион долларни ташкил этиб, тўлиқ хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилди. Натижада 150 та иш ўрни яратилди.

Тўрт гектар майдонда 5 минг нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий ўқув биноси қуриб битказилди. Кейинги босқичда ётоқхона, лаборатория биноси, спорт майдончаси, ошхона ва яшил ҳудуд барпо қилинади.

Муассасада дуал таълим тизими жорий этилган. Ўқувчилар назарий билимларни техникумда эғаллаб, амалиётни саноат зонасидаги йирик корхоналарда ўтайдилар. Шу тариқа улар ўқиб-даридаёқ ишлаб чиқариш жараёни, замонавий ускуна ва технологиялар билан яқиндан танишади.

Техникум жорий йил июнь ойида ишга туширилди. Ҳозирда бу ерда 210 нафар ўқувчи тахсил олмоқда. 2030 йилга қадар йиллик қабулни 1 минг 800 нафарга, ўқувчиларнинг умумий сонини эса 4 минг нафарга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, таълим йўналишларининг сони 20 тагача кўпайтирилади.

Президентимиз техникумда яратилган шароитлар билан танишди, ёшлар ва инвестор билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Ўжаобод туманидаги технопаркда бўлиб, “ақлли” сув ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

Андижон майдони жиҳатдан кичик, аҳоли энг зич жойлашган вилоятлардан бири. Шу боис ҳудудда ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш, адирликларни ўзлаштириш ва янги саноат майдонларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўжаобод туманида 300 миллион долларлик хорижий инвестициялар ҳисобига ташкил этилган “Андижон технопарки” ана шундай йирик лойиҳалардан биридир. Адирликларни ўзлаштириш эвазига ажратилган 100 гектар майдонда 51 та саноат корхонасини жойлаштириш режалаштирилган.

Саноат зонаси тўлиқ ишга тушгач 3 мингта иш ўрни яратилади. Йилгига 50 дан ортиқ турдаги 200 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бюджетга 160 миллиард сўм тушум таъминланади. Вилоятнинг экспорт салоҳияти эса 50 миллион долларга ошади.

Саноат зонасида Хитойнинг “Sanchuan” компанияси томонидан “ақлли” сув ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилди. Қиймати 25 миллион доллар бўлган лойиҳа тўлиқ хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилмоқда. Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнининг 80 фоизи роботлаштирилган.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Маҳорат дарси

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ИМКОНИАТ МАЙДОНИ

Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида йўлга қўйилган “Раҳбар аёллар” қайта тайёрлаш таълим дастури хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг раҳбарлик салоҳиятини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган билан эътиборга молик. Айни пайтда ушбу дастур бўйича 50 нафар истиқболли аёл-раҳбар тахсил олмақда.

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзилла Норбоева мазкур дастур тингловчилари учун маҳорат дарси ўтди.

Унда давлат бошқаруви, парламент фаолияти, қонун устуворлигини таъминлаш, жамоатчилик билан самарали мулоқот ўрнатиш, қарор қабул қилишда масъулият ва очиклик тамойилларига риоя этиш масалаларига эътибор қаратилди. Хусусан, жамиятда раҳбар аёллар сонини кўпайтириш, меҳнат жамоаларида аёллар ва эркеклар учун тенг имкониятлар яратилиши билан бирга масъулият ҳам бир хил бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Раҳбар фаолиятининг энг муҳим баҳоси — одамлар розилиги ва ишончи. “Раҳбар аёллар” дастури эса янги билим ва бошқарув қўникмаларини эғаллаб, ўз салоҳиятини мамлакатимиз тараққиёти йўлида амалий натижага айлантириш

учун катта имконият майдони саналиши қайд этилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини янада ошириш, замонавий раҳбар учун зарур бўлган стратегик фикрлаш, ташаббускорлик, жамоани бошқариш, масъулиятли қарорлар қабул қилиш қўникмалари юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда парламент ва давлат бошқарувидаги кўп йиллик тажриба, қонун ижодкорлиги ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги амалий фаолият дастур тингловчилари учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Маҳорат дарси якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди ва давлат бошқарувида самарали раҳбарлик бўйича амалий тавсияларга эга бўлди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Озарбайжон: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Спикер Нуриддин Исмоиловнинг Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги янги тайинланган Фавқуллодда ва муҳтор элчиси Рашад Мамедов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув

Таъкидланганидек, давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил май ойида Озарбайжонга амалий ташрифи ҳамда Президент Илҳом Алиевнинг август ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи стратегик шериклик ва иттифокчилик муносабатларини янги мазмун билан бойитди.

Р. Мамедов самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, давлат раҳбарлари-

нинг қатъий сиёсий иродаси туфайли икки мамлакат муносабатлари барча соҳаларда изчил тараққий этиб, янги амалий мазмун билан бойиб бораётганини алоҳида эътироф этди.

Элчининг таъкидлашича, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, у сўнгги йилларда парламентлараро алоқалар сезиларли ра-

вишда фаоллашиб бораётганини таъкидлар экан, парламентлар ўртасидаги мунтазам мулоқот, тажриба алмашинуви ва қўшма ташаббуслар икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаётганини қайд этди.

Учрашув давомида икки давлат парламентлари ҳамкорлик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларнинг самарали ижросини таъминлаш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш ва икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қиладиган ташаббусларни қўллаб-қувватлашда парламентларнинг ролини янада ошириш муҳимлигини қайд этди.

Учрашув очик ва дўстона руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

